
ФАРҒОНА ШАҲРИДАГИ “САМО” СПОРТ МАЖМУАСИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ЎРТАСИДА СПОРТНИНГ БОКС ТУРИ БЎЙИЧА “МУДОФАА ВАЗИРИ КУБОГИ” МУСОБАҚАСИНИНГ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Фарғона шаҳридаги “Само” спорт мажмуасида ҳарбий хизматчилар ўртасида спортнинг бокс тури бўйича “Мудофаа вазири кубоги” мусобақасининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят секторлари раҳбарлари, ҳарбий хизматчилар ҳамда ёшлар иштирок этди.

Вилоят ҳокими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Хайрулло Бозоров Қуролли кучлар сафида хизмат қилаётган ҳарбийларимиз ҳар томонлама барчага ўрнатилган бўлаётганлигини таъкидлаб, азму шижоатли аскарларимиз спортда ҳам салмоқли натижаларни қўлга киритаётганлигини қайд этди. Ҳарбийлар ўртасида ташкил этилаётган турли мусобақалар катта аҳамият касб этаётганлигини билдириб, мазкур кубок ғолиб ва совриндорларини ғалаба билан табриклади.

Тўрт кун давом этган мусобақада мамлакатимиздаги ҳарбий округлар, ҳарбий таълим муассасаларининг юздан зиёд чарм қўлқоп устаси 9 та вазн тоифаси бўйича яккалик ва жамоавий биринчилик учун кураш олиб борди. Офицерлар, сержантлар, курсантлар ва муддатли ҳарбий хизмат бурчини ўтаётган ҳарбий хизматчилар боксда ҳам ўз маҳоратини намойиш этди.

Ғолиб ва совриндорлар медаллар, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Жамоавий ҳисобда биринчи ўринни Шарқий ҳарбий округи қўлга киритди.

Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, генерал-майор Ойбек Саидов вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровга Мудофаа вазирининг эсдалик нишонини топширди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-09-28 17:40:50